

Асад Дилмурод

Пахлавон Муҳаммад

Роман



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

УЎК 821. 512. 133–3
КБК 84 (5Ў) 6
Д 51

Дилмурод, Асад / А.Дилмурод. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 528 б.

Она тарихимизга назар ташларканмиз, унда не-не улуғ инсонлар, алломалар ўтганлигига гувоҳ бўламиз. Таниқли ёзувчи Асад Дилмурод каламига мансуб мазкур роман худди шундай машҳур шахслардан бири – Паҳлавон Муҳаммад ҳақидадир. Адиб ўз қаҳрамонининг мураккаб ва чигал тақдирини кизиқарли, бадиий бўёқларга бой бир тарзда тасвирлайди. Асар мутолааси жараёнида ўқувчи кўҳна Ҳирот кўчаларида ҳаёлчан сайр қилади, буюк шоиримиз Алишер Навоий нафасини туйгандай бўлади, кўнглида ажиб ҳислар уйғонади.

УЎК 821. 512. 133–3
КБК 84 (5Ў) 6

© Асад Дилмурод
© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2016

ISBN 978-9943-03-774-8



МУҚАДДИМА

Баҳор Унсияга одатдагидан эрта келган: аллақачон дов-дарахтлар япроқ ёзган, атиргуллар, раъно-наргислар барқ уриб очилган, жамбилу райҳонлар бўлиқлашган, сокин хиёбонларда товуслару жайронлар қуёшда тоблана-тоблана анжуман қилар эдилар...

Чорбоғ ўртасида тушган, деворларидан тортиб гумбазларига қадар турфارانг кошинлар зарбланган кўшк айвонида, қалин-юпқа жилдлар терилган миз ёнида тиззаланган Амир Алишер ҳалидан бери ўйга чўмганича мўъжиза саналмиш ушбу манзарадан нигоҳ узмас эди.

Ниҳоят у бир ҳорғинлик туйди, рўпарасида турган китобни секин ёпди-да, оҳиста зинапоядан тушди, кўшк қарийб бор бўй-басти билан акс этган сарҳовузга яқинлашганда нечундир ичи тошди ва бўғзига талх нарса тикилди.

Ахир, бу даргоҳга Ҳиротнинг не-не улуғ сиймолари пойқадами тегмаган, ҳайҳотки, алардан кўпчилиги бу кунда кўчу кўронларини ортиб, омонат дунёдан боқий дунёга кўчиб ўтмишлар!..

Айниқса, тўрт йилча бурун ота ўрнида отаси бўлган орифи маоний Сайид Ҳасан Ардашер, бултур эса оғир-енгил кунда орқадоши бўлган ҳамидуш-шуаро Абдурахмон Жомий билан тоабад видолашганини эсласа, юрак-бағри ўртанади-да, дунё тор ва қоронғи кўриналиди кўзига...

Амир Алишер хаёлдан бўшамай сарҳовуздан узоқлашди, гумбазлар узра учаётган қушлар вижирлашига кулоқ тутиб, чорбоғ тўрига юрди, бир неча қадам босар-босмас ортидан Шайх Баҳлул товуш берди, Неъматобод даҳаси-

дан чопар келганини билиб негадир ғашлиги ортди. Бедовини йўл бўйи чоптириб келгани сезилиб турган, рангида ранг қолмай хансираётган, нукул нигоҳини олиб қочаётган чопарга тикилди-да:

–Хожанг аҳволи нечук? – деди ошиқиб.

– Хасталик қийнабдур хожамни, Ҳазрат, – деди у андиша ила аранг ғулдираб.

Ҳайҳот! Кечадан бери безовта бўлиб, қовоғи пайдар-пай учаётган эди-я!..

Амир Алишер зудлик билан Шайх Баҳлулни кўли енгил ҳакиму ҳозик Мавлоно Абдулхай билан Мавлоно Нуриддинга жўнатди, кейин ўзи еру кўкка сиғмай қолди. Асрни ўкигандан кейин бир жойда кўним тополмай Паҳлавони олам қошига жўнамоқчи бўлди, Шайх Баҳлул шоша-пиша бедови айил-пуштанини тортаётганда дарвозадан бошларини эгиб ҳалиги табиблар киришди, улар қиёфасини қоплаган кўлагадан барисини англади ва оҳ дея гандирақлаб йиқилаёзди...

«Ҳайҳот, қиёматлик ҳабибим, дийдор маҳшарда қолдиму? Сиздек кўнглим махрамики йўк, тирикликда не маъною не маза, маним туфроқ босиб афтодаҳол юрганнимдин не фойда? Эмди фақир етим, сарвари олам етим, бутун Хуросон, жумлаи жаҳон етим! Қайдин излармиз, қайдин сўроқлармиз сизни, фано даштидинму ёки бақо гулшанидин? Замину замонни ишқу вафо нури билан чароғон қилган муборак кўзларингиз туфроққа тўлмасдин аввал мужда етказгайсиз, ҳей баҳодир оғам!..»

Қизғимтир кум тўшалган хиёбон ўртасида, шохлари ўзаро чирмашган дарахтлар остида туриб қолган Амир Алишер тутай-тутай ёнади, гоҳо беҳолу беун сўйланади, ҳаргиз ўзларини айбдор сезаётган Мавлоно Абдулхай билан Мавлоно Нуриддинга нимадир дегиси келади, аммо муз қотган каби тили айланмас, ачишаётган кўкси қалқиб-қалқиб тушар, ажинли ёноқларидан шивалаб шўртак ёш думалар эди.

Амир Алишер ушбу дамда Султон Хусайн Бойқаро не кўйга тушганини тасаввур қилди ва бағри баттар қиймаланди. Ахир, ақл бовар қилмас жудолик аввало юрт эгасига тегишли, шундай экан, ҳозир шоҳ ёнида туриши, унга ҳамдard ва ҳамнафас бўлиши керак.

Пашша учса эшитиладиган сокин саломхонага кирган дамда Амир Алишер ичида гўё нимадир қайтадан чирс этиб синди. Хуросон ҳукмдори мунаққаш тахтда эмас, шундоқ пойгакдаги курсида омонат ўтирар, кўп балоларни кўрган боши ҳам, барваста қадди-қомати аста-секин силкинар, қалин мужгонлари жикқа хўл эди.

– Алишер, икки кутби олам доғи-алами ҳамон кўкайимизда муқим эрди, – ярадор қарчиғайдек чарх урди хоқон. – Бошимизда яна бу улкан мусибат! Эвоҳ, ани кўтаришга сабру бардошимиз етгайму?

Амир Алишер чурқ этолмади, ҳали бўсағада кўриниш берганда қаеридадир кўзғалган ногаҳоний санчиқ симиллабгина бутун вужудига ёйилди, кўнглидан эса, сабру бардош чикора, бу озору бу армон остида тоғ ҳам янчилиб адо бўлгай, хоқоним, деган алам-ангиз мулоҳаза кечди.

– Пахлавони олам биз билан қирқ йилча борди-келди қилмиш, ҳар доим иссиқ-совуғимизга чидаб, номус-оримизга кўксини оғринмай қалқон айламиш, иззатини жойига кўймоқ керак.

Қароргоҳ тугур оламга сиғмай бораётган Султон Хусайн Амир Алишер дилидагини топиб айтганди; шоири даврон бўғзига тикилаётган йиғини аранг босиб маъкул маъносида бош ирғади.

Қисқа жимликдан кейин улар жаноза вақти ва тартибини кенгашиб олишди, яъни майитни эртаси куни, пайшанбада, пешин намози пайти чиқарадиган бўлишди. Сўнг аркони давлат билан бирга ошиғич Неъматобод сари йўл тортишди.

Ана, кунботиш томонда, мевали-мевасиз дарахтлар куршовида қад ростлаган ғиштин иморат қайси бандага

қадрдон эмас, бинобарин, йил-ўн икки ой кимларни бағрига чорламагану кимлар суҳбатига гувоҳ ўтмаган. Энди у хувиллаб қолмиш, қайси бир хонасида эса шоҳу гадо кўнглини бирдек овлаб яшаган Паҳлавон Муҳаммад Абусаид қилт этмасдан осуда ётади. Қони қочиб сўлғинлашган бетиде биргина маъно зуҳур: «Биродарлар, чарчадим, хордиқ тилармен!» Наҳотки пири майдоний сир-асрорга тўла умрини шу кесатиғ билан якунлаган бўлса? Ҳар ҳолда у етишган саодат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-ку!

Бўлмага тутдек тўкилиб кирган Султон Ҳусайн билан Амир Алишер бир неча қават бахмал кўрпачада беташвиш ва безабон чўзилган Паҳлавон ёнида жимгина чўккалашди. Нотинч тепаётган юраклари беун нола чекарди: «Ҳей, дўсти қадрдон, қошингизга юкуниб келдик, тура қолмайсизму?!» Кошки Паҳлавони олам бирон-бир сасни эшитса, кошки абадийлик уйқу юкидан киприklarини озод этолса?!

Бутун Ҳирот ва бутун Неъматобод аҳли тонгни бедор қаршилади, хосу авом қатори Султон Ҳусайн билан Амир Алишер ҳам бир сония мижджа қоқмади, субҳидам ғира-ширасидан бошлаб улар тақя бўсағасида бел боғлаб, қўл қовуштириб туришди.

Қай маҳалдир Амир Алишер мотамсаро бек-тўралар, ўйга чўмган аллома-ашрофлар, бағри хун қуштигирлар, ёқаси вайрон гадо-қаландарлар, аламнок ошиқ-мажнунлар, маҳзун нигоҳли хунарманд-зироатчиларни зимдан кузатиб, ногоҳ Аҳмад Пирийни эслади. Қачондир бутун Хуросонни остин-устин қилган ўғлон Паҳлавони олам жанозасида иштирок этолмай қайлардадир сарсону саргардон юргани ўқинчли эди. Сўнг Амир Алишер жамоа орасида маъюсона тарзда соме турган, шунинг билан бирга, бутун қадди-бастидан шижоат ёғилаётган Дарвеш Муҳаммадни кўриб сал енгил тортди.

Жанозага фақат доруссалтана эмас, чор-атрофдаги барча шаҳару, кенту овул фуқаролари ҳам кўчиб келиш-

ди, жамики уламо-рухонийлар ҳозир у нозир бўлишди. Издиҳом шу қадар тирбанд эдики, ҳатто игна ташласа ерга тушмасди. Шариат тақозо этадиган жамики расм-русум бекаму кўст ижро этилди, бинобарин, етти иқлимга доғруғи ёйилган Паҳлавони оламга олис сафар олдидан теккани атиги тўрт газ мато бўлди. Ниҳоят вақти етиб Султон Ҳусайн билан Амир Алишер тобутнинг олд қисмини елкаларига олишди.

– Борар жойингиз жаннат бўлсин, э, оға!

– Биздин рози бўлиб кетгайсиз, э, қадрдон!..

Оппок сурф билан ўралган тобут кўчага сиғиб-сиғмаётган издиҳом ўртасида оҳиста лопиллаб боради, йиғи-сиғи ва оҳ-воҳлар бир тинса, бир кучаяди. Кўҳна дунёнинг кўпдан-кўп аччиқ-чучугига гувоҳ ўтган, қишу ёз қанчадан-қанча қари-қартанг, етим-есиру бева-бечора бошпанасига айланган тақя эса кимлигини англаиб-англамай кетаётган соҳиби ортидан товушсиз бўзлаб қолгандек!..

Тез орада сукунат мамлакатада мўъжазгина тупроктепа пайдо бўлди.

Етти пушти маълуму машҳур куштигир ўтган, майдонда ор талашиб тўймаган, тўксонни қоралаганига қарамай қадди тик, ҳануз маърақа-ҳашам ва давраларда баковулик қилиб ўзини совитадиган Содиқ полвон овозини баралла қўйиб сўради:

– Эй, мардум, Паҳлавон қандоғ одам эрди?

Ўша заҳоти жўровоз хитоблар янгради:

– Яхшилиқ ила жўмардликни касб қилғон эрди!

– Хокисорлик ила ҳалимликни ҳам!..

– Мўрчага-да зиёни тегмаптур!

– Илоё гўри нурга тўлсин!..

– Паҳлавон миллатимиз куёши эрди, – қисқа жимликдан фойдаланган Амир Алишер ҳалидан бери миясини банд қилган фикрни айтишга жазм этди. – Жаҳолат қилчига кўкси қалқон, шоҳу гадога ҳам, хосу авомга ҳам

жони тасаддуқ! Айтган ҳар сўзи, босган ҳар қадами тоабад ибрат!..

Сукунат мамлакатада ҳеч қачон кўрилмаган зил осудалик чўқди.

Ёруғ дунё зийнатига иккиланмай қўл силтаган, алҳол ўзи чарх уйига зийнат бўлган Паҳлавони оламдек зотни қаърига тортган қабр гўё қилмишидан хижолат чекиб мунғаймиш!..

Жамоа ихотасида турган Султон Ҳусайн билан Амир Алишер эса хилват ва зим-зиё гўшада кўнгиллари маҳрами тоабад хоки туроб бўлиб қолаётганини ичларига сигдиролмай афсус устига афсус чекишар, чорасиз дардларига чора излашар эди.

Чиндан ҳам Паҳлавони олам дийдорисиз энди Хуросон замини жабрдийда, энди Ҳирот ғамзада, энди сарой машварат-мажлислари ва базми жамшидлари бефайз, энди сўз мулки ғариб, илму урфон рукнлари пароканда, ҳарбу зарб майдони мискин! Энди ким қовуштиради шунқорлар бошини, энди Али Рустойига ўхшаган зўрлар Хуросон устига от қўйиб келганда ким қайириб қўяди улар шохини?!

Тоабад Паҳлавони олам охирати обод бўлишини тилаган кадрдон ёру ошналар жанозадан кейин анчагача така бўсағасидан қадам узишмади. Мархум даргоҳида Султон Ҳусайн билан Амир Алишер уч кунгача оёқда тип-тикка туришди ва келиб-кетувчилар дуойи фотиҳасини олишди. Сўнг, еттига қадар узлуксиз, йигирма ва қирққа қадар ҳар пайшанба қанда қилмай хизматда бўлишди. Жамики каттаю кичик маъракани Дарвеш Муҳаммад билан биргаликда ўтказишди, сарф-харажатда қисинишмади: қўша-қўша сўким сўйдиришди, азим ошлар тортишиб, қайта-қайта хатми қуръон ўқитишди.

Ҳар эрта саройда Паҳлавони олам ўрни бўш турганини кўрганда Султон Ҳусайннинг ҳам, Амир Алишернинг ҳам юрак-бағри пора-пора бўлади. Бора-бора англашдики, сийналарида Паҳлавони олам қолдирган жароҳат бир

умр тузалмайди. Жудолик кунидан узоқлашмоқ душвор!
Ва ора олислагани сари ўзларини бемордек нотавон сези-
шади, ичларида ғалаён кўпиб, недир армон жисму жонла-
рини баттар ўртайди.

– Дунё бири кам эрди, Паҳлавонсиз иккиси кам!..

Қайси бир лаҳзада бу фикрни Амир Алишер айтди,
бу фикрни Султон Ҳусайн маъқуллади, сўнг улар хос
мулозимлар кузатувида Неъматобод мазористони сари
елишди. Ҳаргиз тупроғи совимаган мўъжаз қабр хоко-
ни мансур билан шоири давронни жимгина қаршилади.
Қабр қошида, йўқ, Паҳлавони олам қошида тиз чўкишди.
Кошки баҳодир бошини кутариб бир қараса, кошки ҳамон
айрилиқ азобини тортаётган икки кўнгил маҳрами фиго-
нини эшитса?! Арзи ҳол ҳам, баҳсу мунозара ҳам боти-
ний кечди. Сўнг бедовлари жиловини бўш қўйганча ортга
қайтишди, мабодо сукунат мамлакатида юракларидан бир
парча-бир парча узилиб қолган бўлса не ажаб?!

Султон Ҳусайн билан хайр-хўш қилган Амир Алишер
мана энди Унсиядаги хонаи хосида, баҳмал ёпилган миз
ёнида ўзидан ўтганини ўзи билиб паришон ўтирибди. Бир
қумсаш ўртайди бағрини! Ўткинчи дунё ҳеч кимга вафо
қилмаслигини ўйлаб астагини оҳ чекади ва шу асно та-
савурида чинордан қолишмайдиган қадду комат, кўркам
соқол ярашган хушбичим рафтор, тик боқувчи йирик-йи-
рик кўзлар жонланади.

Амир Алишер кўпдан бери шуаро ва фузало орасида
шуҳрат топган «Мажолисун-нафоис» тазкираси тўртин-
чи фаслини Паҳлавони олам зикри билан бошлаганини
эслаб кўнгли бир хил ёришди. Сўнг бир дам хаёлдан бў-
шамай патқаламни қоғоз узра бафуржа юргиза бошлади,
патқалам кўнглида борини бу қадар равон, бу қадар ихлос
билан баён қилаётганидан ҳайратланди. Иншооллох, эр-
та-индин орзуси ушалиб, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»
рисоласига нуқта чекса керак...



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ФАЛАК ГАРДИШИ

Биринчи боб

БУЗРУКВОР

Думи кесилган човкар қора кўпикка ботган...

Лекин Паҳлавон жониворни аямай қичаб ҳайдар, сағрисига аччиқ билан устма-уст қамчи босар, «Чух, падарингга қусур!» дея ҳайқирганда гўё бўғзидан олов отилиб чиқар эди. Баҳор охирлари бўлиб тепадан қуёш тандирдек қиздира бошлаган, поёнсиз чўл жазирама билан тўйинган сароб комида эди. Жазирама иссиқ кучайгани сари шундоқ ҳам толиққан бедов қадам олишлари сусайиб қолди. Энди Паҳлавон ҳар қанча қичагани билан у деярли чопмас, шунчаки лўкиллаб борар, ҳар замонда пишқириб зорли кишнар эди.

Устига устак бир неча кун муқаддам кўтарилган даҳшатли довул йўлни тамом кўмиб юборган, қум барханлари ва тўқайзорларни оралаб юриш бориб турган азоб эди. Бу азобни енгиб ўтиш дўзахга тушиб чиқиш билан баробар эканлигини Паҳлавон Машҳадни тарк этган куниеқ англаган, бозордан от ўрнига туя харид қилмаганига пушаймон эди. Ҳар қалай туя чўл ёки даштда ўзини эмин-эркин тутати, чарчоқ ҳам, чўллаш ҳам унга писанд эмас. Ана шуни нега вақтида ўйламади экан?

Қуёш ботар палласида Паҳлавон кутган кўргилик рўй берди: сал кам икки кундан бери тинмай елиб човлаб қолган човкар ниҳоят мункиб йиқилди. Ғойибона



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4652> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4652> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4652>